



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

<http://www.ishonch-doverie.uz>

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 31-mart № 40 (3077) shanba

## Рағбат ва эътибор ташаббусга ундайди

«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди



Президентимиз Ислам Каримов ташаббус билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови мамлакатимизда кичик бизнесни, фермерлик ҳаракатини ва хунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш, янги марралар сари илҳомлантиришда муҳим омили бўлаётган. Мазкур танлов хусусий сектор вакиллари, фермер ва хунармандларнинг йилдан йилга ортиб бораётган салоҳиятини намоян этиш, энг яхши тажрибасини кенг омалаштиришга хизмат қилмоқда.

30 март куни «Туркистон» саройида «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжалиқлари уюشمаси ва Республика «Хунарманд» уюشمаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Иштирокчилар сафининг тобора кенгайиб бораётгани, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг сифати, рақобатбардошлиги замон талаблари асосида ошаётган танлов нуфузини юксалтиришда, энг фаол тадбиркор ва фермерлар, уста-хунармандлар ўртасида соғлом рақобатни янада кучайтиришда.

Танлов иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, хунармандчилик буюмларининг кўргазмасида ҳам бу жиҳатлар ўзининг яққол ифодасини топди. Унда тадбиркорларимиз томонидан замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган, жаҳон бозорига талаб юқори, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар намойиш этилди. Фермер ва хунармандларимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш санотининг тобора раванқ топаётгани, қадимий анъаналар асосида оливей тадбиркорлик, касаначилик ривожланиши билан маҳсулотлари орқали яққол намоян этди.

Кўргазмада қатнашган истеъмолчилар, хорижий меҳмонлар ҳамда танлов ҳайъати нафақат ички бозорда, балки экспортда ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб бораётган тадбиркорларимизнинг фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Кичик бизнес бозор конъюнктурасига тез мослашади. Мамлакат иқтисодиёти, одам-

ларнинг даромад манбаи барқарорлигини сақлашда, янги иш ўринлари яратишда мазкур соҳа муҳим ўрин тутди. Хусусан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида, жаҳон бозорига рақобат кескинлашиб бораётган бир пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётимизнинг мутасил ўсишини таъминлашда, халқимиз ҳаётида улкан аҳамият касб этмоқда.

Катта имконият, имтиёз ва преференциялар берилаётгани мазкур соҳа ривожига кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилингани ҳамда махсус Давлат дастури амалга оширилгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайитилди. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилиб, бу борада барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. Жорий йилдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорда белгиланди. Янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидалар янада соддалаштирилгани, тадбиркорлик фаолияти учун 2 кун ичида тегишли рўхсат олиш имконияти ҳам энг сўнгги моделдаги технологиялар билан жиҳозланган мини завод ва корхоналар ташкил этиш имконини бераётган. Натижада мазкур соҳа мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўймоқда. Мисол учун, 2011 йилнинг ўзига кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди, уларнинг ялпи экспортдаги улуши 16,3 фоизга өтди.

(Давоми 2-бетда)

## Пленум

Кеча Ўзбекистон авиаходимлари касба уюشمаси Марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда 2011 йилда тизимда амалга оширилган ишлар атрофида сарҳисоб қилинди.

## Изчиллик самараси

Маълумки, тармоқ касба уюشمаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзгидрометеорология» маркази ҳамда тармоққа тегишли яна бир қанча давлат ва нодавлат корхоналарни қамраб олади. Пленумда эътироф этилгандек, ўтган йили ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилиб, 100 дан ортиқ ходимларга санаторийларга йўлланмалар берилди. Шунингдек, уларнинг 1000 нафарга яқин фарзандлари юртимизнинг хушманзара масканларида

жойлашган оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришди. — Мустаҳкам оила йилида ҳам юксак мақсадларга эришишни олддимизга вазифа қилиб қўйганмиз, — дейди тармоқ касба уюشمаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Абдунаби Абдувалиев. — Жумладан, ёш оилаларга энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорда моддий ёрдам курсатиш, ҳомилдор аёлларга қўшимча таътил бериш, ёш ходимларни сийхатгоҳларга йўлланмалар билан таъминлашни режалаштирганмиз. Дарвоқе, жорий йилда барча авиаходимларни бепул тиб-

бий кўриқдан ўтказиш кўзда тутилган. Айни кунда соҳада фаолият курсатаётган 22 миңдан ортиқ аъзони бирлаштирган ташкилот меҳнаткашлар манфаатини фаол ҳимоя қилишга қодир мустаҳкам тузилма сифатида ўзини намоян этиб келяпти. Қатнашчилар жорий йилги тадбирлар режасини муҳокама қилиб, тасдиқладилар. Уни амалга оширишда эса бош мезон соҳа ходимлари ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоялашдан иборат бўлади. **Ўз мухбиримиз**

## Матбуот анжумани

Кейинги йилларда касба уюشمалари томонидан фаолиятга бутунлай янгича ёндашилаётгани тўғрисида меҳнаткашлар манфаати ҳимоясини кучайтириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касба уюشمалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишлар» мавзусида ўтказилган матбуот анжумани юқоридаги фикримизни яна бир бор тасдиқлади. Унда Федерация Кенгаши масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.



## Пировард мақсадимиз: Меҳнаткашлар манфаати устуворлигини таъминлаш

Матбуот анжуманини Ўзбекистон журналистлари ижодий уюشمаси раиси Шерзод Фуломов олиб борди.

Анжуманда Ўзбекистон касба уюشمалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, ишловчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан мазкурликларини мустаҳкамлаш йўналишида касба уюشمалари таъминлаш бўлими вакиллари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида журналистларга батафсил маълумот берди.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизни демократик янгилаш, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараёнда касба уюشمалари ҳам фаол иштирок этаётган.

Ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси касба уюشمалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш зарурки, меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат Кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги ва бошқа қатор қонунларда белгилаб қўйилган.

Меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси оид қўшимча қўқуқ ва имтиёزلар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касба уюشمалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011—2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувда ўз аксини топган. Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жойларда имзоланган ҳудудий ва тармоқ келишувлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилаётган жамоа шартномаларига қўшимча ҳуқуқ ва имтиёزلар киритилган.

Жамоа шартномаси корхонада иш бевуви билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солиувчи норматив ҳужжатдир. Бугунги кунда республикада 1 та Бош келишув, республика миқёсидаги 85 та тармоқ (тариф) келишувлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий (минтақавий) ҳамда 210 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, туманлар ва вилоят бўйсунувдаги шаҳарлар миқёсида 308 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда эса 92 миң 87 та жамоа шартномалари амал қилмоқда. Касба уюشمалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 92 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган.

Касба уюشمалари меҳнат бозорига юз бераётган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишга эркин танлаш, бандлик борадиган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам қўламлироқ ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан мазкур йўналишда қўшма тадбирлар режаси қабул қилиниб, бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш, янги иш ўринларини барпо этиш, халқаро меҳнат мей-ёрларига қўшилиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, ҳар бир минтақада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлаш аҳолини иш билан таъминлаш уюشمалари ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашни кучайтириш мақсадида касба уюشمалари янги иш ўринлари яратишни устидан жамоатчилик мониторингини олиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-март ойларида 438 та корхона ва ташкилотда 2279 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ҳамда уларнинг ишончлилиги ўрганиб чиқилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, корхоналарда «Устоз-шогирд» тизими самарасини ошириш борасидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган касб-хунар коллежларининг кам таъминланган ўқувчилари, янги иш бослаган битирувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 фоизгача бўлган миқдорда моддий ёрдам курсатилмоқда. Утган йилда 2500 нафарга яқин ўқувчи 20 фоизлик ва 627 нафар коллеж битирувчисига 50 фоизлик, жами касба уюشمаси ҳисобидан 50 миллион сўмликка яқин моддий ёрдам берилди. Жорий йилда эса ёрдам олувчилар сонини 15 миң нафарга өтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, амалиёт ўтаётган талабалар ва янги ишга қабул қилинган битирувчилар ташкилот ва корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказилиб, махсус кийим-бош ва пойабзал, яқка тартибдаги ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминланмоқда. Шунингдек, касба уюشمалари томонидан иш ўринлари қўнимчилиги бўйича жамоатчилик назорати олиб боришмоқда. Хусусан, бугунги кунда республика ҳудудидagi 85 миң 452 та корхона ва ташкилотда коллежни битирган ёшлардан 290 миң

249 нафарининг иш жойларида қўнимчилиги таъминлиниши устидан мониторинг ўрнатилди.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқларини ҳимоялаш касба уюشمалари фаолиятидаги устувор вазифалардан ҳисобланади. Касба уюشمалари ходимларнинг бу борадаги ҳуқуқларини «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонуннинг 24-моддасига асосан ҳимоялади. Таъкидлаш зарурки, касба уюشمалари бугун меҳнатда жароҳатланиш ҳолатлари профилактикаси йўналишида иш олиб бормоқда.

«Касба уюشمалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонуннинг 11-моддасида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва кафолатлардан фойдаланган ҳолда 2011 йил давомида касба уюشمалари меҳнатни муҳофаза қилишга доир 82 та норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва келишида олишда иштирок этди. Ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш шартининг 11-моддасида амалга киритилиши кўзда тутилган Қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини уларга өтказиш, фуқаролардан тушган мурожаатлар, тақлиф ва шикоятларни вақтда кўриб чиқиш, қонуний ҳал этиш, зарур ҳолларда судларда касба уюшма аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини амалга оширмоқда. Хусусан, касба уюشمаларининг фаол иштирокида Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада кучайтириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»-ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам касба уюشمалари тегишли тақлиф ва тавсиялари билан фаол қатнашди. Ўзбекистон касба уюشمалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Касба уюشمалари тўғрисида»-ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ваколатли давлат органига тақдим этилди.

Федерация Кенгаши томонидан фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида касба уюشمалари тизимида «Ишонч» телефонлари ташкил этилиб, уларга малакали мутахассислар жалб қилинган. Бу аҳолига тезкорлиқни таъминлаш билан бирга, турли йўналишлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳатлар олиш имкониятини ҳам яратмоқда. Утган йил давомида республика бўйича Федерация тизимидаги барча «Ишонч» телефонлари 463 та мурожаат бўлган. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, меҳнат муносабатлари ва ижтимоий таъминот, ҳуқуқий маслаҳатларга оид мурожаатлардир. Ушбу мурожаатларнинг 426 тасига оғзаки тушунтиришлар берилган бўлса, 37 таси юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилиб, ижобий ҳал этилишига эришилди.

(Давоми 2-бетда)

# Пировард мақсадимиз: Меҳнаткашлар манфаати устуворлигини таъминлаш



(Давоми. Боши 1-бетда)

Касаба уюшмалари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда 2011 йилда касаба уюшмаларининг 14 та ҳудудий бирлашмаси ва 11 та тармок Марказий кенгашида фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш тизими жорий этилди.

Меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳам анча салмоқли. Бугунги кунда Федерация тизимида 15 та санаторий фаолият кўрсатмоқда. Ушбу масканларда ҳар йили 90 минг нафарга ақин меҳнаткаш хордик чиқариб, саломатлигини тиклаш имкониятига эга бўляпти. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида ўтган йили Федерация Кенгаши томонидан тизимдаги Санатор-курортлар бошқармаси фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Натижада ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига эришилди.

Таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга меҳнаткашлар учун йўлланмалар ажратиш мuddати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари молиявий имкониятларининг кенгайтирилиши натижасида ҳар йили кўшимча равишда 10 минг нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш имкони яратилди. Натижада ўтган йил давомида 89 минг 237 нафар меҳнаткаш, санаторий-профилакторийларда 13 минг 348 нафар ҳодим, ўқувчи ва талабани соғломлаштиришга эришилди. Бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан қарийб 10 фоизга кўпдир.

Касаба уюшма санаторийларида 25 минг 750 нафар меҳнаткаш имтиёзли йўлланмалар асосида, 8 минг 182 нафар ишловчи бепул соғломлаштирилди. Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда аёлларни соғломлаштириш 2010 йилга нисбатан қарийб 9 минг нафарга, она ва болаларни соғломлаштириш 1000 нафарга ортди.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда янги йўналиш — фертил ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари йўлга қўйилди. Бунда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аёлларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятидаги «Умид гулшани» санаторийсида имтиёзли соғломлаштирилган 70 нафар фертил ёшидаги аёл тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилиб, физиотерапия, маъданли сув, табиий омиллари ўз ичига олган тегишли муолажалар амалга оширилди. Шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида 1337 нафар кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлик соҳаси ҳодимларининг касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда имтиёзли йўлланмалар асосида саломатлиги тикланди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан санаторий-курорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва болани малакали соғломлаштириш йўналишидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилда тизимдаги санаторийларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Федерация Кенгаши санаторийларда курортология ва даволаш ишларини замон талаблари асосида

ривожлантириш мақсадида янги даволаш-таъхис усулларидан кенг фойдаланиш тизимини яратди. Хусусан, касаба уюшмалари тизимидаги барча санаторийларда замон талабига жавоб берадиган даволаш-таъхис базаси, функционал таъхис хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, ултраовуш текшируви, рентген ва бошқа таъхис хоналари фаолият кўрсатмоқда. Санаторийларни замонавий тиббий асбоб-аппарат билан жиҳозлаш, бу орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда санаторийларда 258,1 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Тизимдаги санаторийларда SPA салонлари фаолияти, янги даволаш усуллари йўлга қўйилди. Натижада даволаш самардорлиги ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ортди. Мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида «Касаба уюшмалари тизимидаги санаторий-курортлар фаолиятини ривожлантириш Концепцияси» ишлаб чиқилиб, фаолиятининг шу асосда тақкид этилиши катта воқеа бўлди. Шунингдек, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишлари сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида «Касаба уюшмаларининг Санатор-курортлар тизимини такомиллаштириш бўйича 2012 йилга мўлжалланган Дастур» қабул қилинди.

«Мустаҳкам оила йили»да ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишларни режалаштирган. Хусусан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Умид гулшани» санаторийсига 100 нафар ёш оила учун 200 дон имтиёзли йўлланма ажратилиб, саломатлиги мустаҳкамланди. Касаба уюшмалари санаторийларида кўп болали ва кам таъминланган оилалардан бўлган 500 нафар аёл бепул соғломлаштирилади. 1000 нафар она ва бола дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди. Қишлоқ ҳудудларида яшовчи 5 минг нафар киши, 1,5 минг нафар етим бола, 500 нафар ногирон санаторийларда бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, амбулатор даволаш ишлари амалга оширилади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситаларини қизиқтирган кўпжа саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ҳодимлари атрафилича жавоб берди.

**Савол: Меҳнат ҳуқуқларининг бўзилиши, ноқонуний ишдан бўшатилш ҳолатлари юзасидан бўлаётган муурожаатлар бўйича, қолқаверса, меҳнаткашларнинг Ўз ҳуқуқларини чуқур англаши йўлида қандай ишлар олиб борила-япти?**

**Жавоб:** Конституциямизнинг 59-моддасида белгилаб қўйилган 59-моддасида белгилаб қўйилган меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтожлик сезилган ёки иши жарраёнида турли муаммоларга дуч келинган ҳолатлар бўйича келаётган муурожаатлар алоҳида эътиборда. Бугунги кунда муурожаатлар айрим иш берувчилар томонидан ҳодимларнинг ноқонуний ишдан бўшатилиши, ногирон кишилар ёки ҳимомладор аёлларни ишга қабул қилишдаги тушунмовчиликлар каби масалаларда бўляпти. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилмоқда.

**Акмал ТОШЕВ, Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбирлари, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

Касаба уюшмаларининг аралашуви билан бундай ҳодимлар ишга тикланиб, етказилган моддий зарар ундириб берилмоқда. Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Меҳнаткашлар ишончини қозониш, уларга турли масалаларда касаба уюшмаларидан ҳуқуқий маслаҳат олиш мумкин эканини тушунтириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши веб-сайтида савол-жавоб рўқни ташкил қилинган. Шунингдек, меҳнат жамоаларида бўлиб, ишчи-ҳодимлар билан очик мулоқотлар уюштириляпти.

**Савол: Ҳар қандай соҳада кадрлар масаласига жиддий ёндашилади. Айтинг-чи, тизимда кадрлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш қандай ташкил этилган?**

**Жавоб:** Касаба уюшмалари тизимида ишлаётган ҳодимлар, аввало, ижтимоий-иқтисодий соҳани чуқур билиши лозим. Шу маънода етук кадрларни танлашга жиддий эътибор қаратилган. Жорий йилда касаба уюшмаларини ривожлантириш бўйича белгилаб олинган устувор йўналишлардан бири кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириб бориш ҳисобланади. Утган йили кадрлар масаласи танқидий ўрганилиб, тизимдаги барча ҳодимлар аттестациядан ўтказилди. Шунингдек, ёш кадрларни кенг жалб этган ҳолда, уларга малакали мутахассисларимиз томонидан амалий ёрдам кўрсатиш тизими жорий қилинган.

Бундан ташқари, Федерация тасарруфида Ўқув маркази мавжуд бўлиб, доимий равишда касаба уюшма ҳодимлари махсус дастурлар асосида малака ошириб боришади.

**Савол: Бугунги кунда тизимдаги санаторийларда маданий-маърифий ишлар қандай йўлга қўйилган?**

**Жавоб:** Дам олувчиларнинг вақтини маъмуний ташкил этиш мақсадида санаторийларимизда маънавий ишларни ташкил этилган. Улар керакли адабиёт ва газета-журналлар билан таъминланган. Бундан ташқари, давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир ва санъаткорлар кенг жалб этилиб, «Маънавият соатлари» ўтказилиши йўлга қўйилган. Концерт ва театр томошалари мунтазам ташкил этиб борилади. Сихаттоғларда маданий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш бўйича ишлар жиддий давом эттирилмоқда.

**Савол: Мустаҳкам оила йили муносабати билан оилаларимиз мустаҳкамлигига катта эътибор қаратилаяпти. Шу маънода ёш фарзанди бор оилаларга кўмак бериш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

**Жавоб:** «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида Касаба уюшмалари Федерацияси дастури қабул қилинган. Шу асосда оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида оилалар, айниқса, ёш оилалар учун 1500 та иш ўрни яратилди. Санаторийларимизда она ва бола биргаликда соғломлаштирилиши ҳам йўлга қўйилган. Утган йили 1000 нафар она-бола соғломлаштирилган бўлса, бу йил улар 2000 нафарга етказилди.

**Савол: Ҳозирда хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг санаторийларга йўлланма сотиб олишида имтиёзлар борми?**

**Жавоб:** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлатимиз томонидан кенг эътибор қаратиб келинмоқда. Утган йили Давлат дастури асосида касаба уюшмалари ҳам минг нафардан ортик соҳа ҳодимларини санаторийларда имтиёзли соғломлаштириди.

Жорий йилда ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар давом эттириляпти. Уларни нафақат соғломлаштириш, балки ўз ишини йўлга қўйиш бўйича ҳам кўмаклашилмоқда. Жумладан, уларга бепул маслаҳатлар бериш, кредит олиш ва ишини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Қайд этиш керакки, қардақи касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлса, ҳодимларнинг турли ижтимоий соҳада имтиёз ва кафолатлардан фойдаланишига кенг имконият яратилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ташаббус» кўрик-танловининг бўйлиги туман, шаҳар, вилоят босқичларида етти минг нафардан ортик микрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси, фермер хўжаликлари раҳбарлари, хунармандлар, халқ амалий санъати усталари иштирок этиди. Уларнинг барчаси барқарор фаолият кўрсатётган, юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган субъектлардир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, бу йилги танловда ҳам импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сердаромад соҳаларда юқори натижаларга эришяётган фермерлар кўпчиликини ташкил этган. Кўрик-танловнинг кўйи босқичларида қатнашган тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг аксарияти ўз фаолиятига замонавий, илгор усуллари татбиқ этаётган ишбилармонлар экани, айниқса, эътиборга молик. Танлов номинантиялари орасида ёшларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган ёш ишбилармонлар, тадбиркорликни бошлаётган касб-хунар коллежлари битирувчиларини янги ташаббусларга ундамоқда.

«Ташаббус — 2012» танлови фойлибларининг номлари эълон қилинди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари —

«Spark» автомобиллари тантанали равишда топширилди.

— Тадбиркорлик билан шуғуллинишимиз учун Президентимиз ташаббуси билан улкан имкониятлар яратиб берилаётгани бизнинг фаолиятимизда ҳам муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Энг яхши тадбиркор» йўналишида голибликни қўлга киритган Жиззах шаҳридаги «Jizzax-Kuhinug» хусусий корхонаси раҳбари Холихсон Бобоева. — Ана шундай эътибор самарасида мулкдор бўлдик, юртимиз ривожига ўз

хиссамизни қўшяпмиз, оиламиз фарвон. Корхонамиз пилани қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, бир неча турдаги адрас, атлас ва бошқа ипак маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз. Корхонамизда ҳозир 120 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, коллежларни битирган эллик нафар қиз хунар ўрганиб, ишимизга ёрдам бермоқда. Келгусида пилани юз фоиз қайта ишлаб, экспортга ярим тайёр маҳсулотлар чиқармоқчимиз.

Фермерлик ҳаракатининг тобора ривожланиши натижасида бугун фермерлар етиштирган маҳсулотини қайта ишламоқда, қишлоққа саноатни олиб кирмоқда. «Ташаббус — 2012» танловининг «Энг яхши фермер» йўналишида бош соврин-

ни қўлга киритган Қарши туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров ўз фаолиятини шу асосда ташкил этган. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликда 600 бош қорамол парвариланиб, сутни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Айни пайтда аҳолига тўққиз турдаги сифатли сут маҳсулотлари етказиб бериляпти.

«Энг яхши хунарманд» йўналишида Фарғона вилояти Риштон туманида яшовчи хунарманд Мирзо-масхар Ақромов голиб деб топилди. Хунарманд яратаётган ўттиз турдан ортик бежирим безақлар берилган кулолчилик маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хоржид ҳам машхур. «Ташаббус —

2012» танлови совриндорларига диплом ҳамда муқофотлар топширилди. Қўлга киритилган ғалаба уларга халқаро танловлар, ярмакалар, семинарларда иштирок этиш ҳуқуқини, ўз йўналишида бўйича чет элда малака ошириш имкониятини беради.

«Ташаббус — 2012» кўрик-танлови голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан ўқуланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Хусниддин БЕРДИЕВ, Ўза мухбири, Сарвар ЎРМОНОВ (Ўза) олган сурат**

## ■ Бор бўл, оқибат!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида хайрия тадбири ўтказилди.

## Дилларда баҳор шуқуқи



— Мустақиллик йилларида Наврўз байрами халқимиз ҳаётига қадриятларимиз рамзи сифатида кириб келди, — деди республика «Нуроний» жамоат маси раисининг ўринбосари Шўхрат Усмонов. — Шу байрам арафасида кесаларни, болаларни ҳамда ёлғиз кишиларни табриқлаш ва уларнинг кўнгли-ларига малҳам бўлиш азалий оdatларимиздан. Шунин эътиборда олиб тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши пансионати 2 та телевизор совға қилди.

— Бугунги тадбир қалбларимизни ҳаяжонга тўлдириб юборди, — дейди

пансионатда истиқомат қилувчи 92 ёшли Валентина Чикова. — 54 йил мобайнида тиббиёт соҳасида ишладим. Меҳр бердим, бугун шундай меҳрдан баҳраманд бўлиб турибман. Албатта, бундай хайрия ёрдамини ташкил этган кишиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

— Айни вақтда пансионатда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшамоқда. Бугунги эътибор кўнглимизни тоғдек кўтарди. Ташкилотчиларга минг раҳмат — дейди Раҳматилла ака Холиқов. Шу кун қариялар бир пиёла чай устида концерт дастурини томоша қилишди.

— Инсоннинг бахтли бўлиши учун кўп нарсанинг кераги йўқ. Самимий сўз ҳамда ўз вақтида кўрсатилган хурмат етарли, — дейди Хуррам ака Окназаров. — Касаба уюшма ҳодимларининг ташрифи айнан шунга хизмат қилмоқда.

**Ўз мухбиримиз, Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

## Бандлик дастури — амалда

## Кўмак

Арносаيدا касб-хунар коллежини имтиёзли битириб, ишга жойлашганларнинг бир гуруҳига касаба уюшма маблағи ҳисобидан моддий ёрдам тарқатилди.

Арносаيدا иқтисодиёт касб-хунар коллежини имтиёзли диплом билан битирган Моҳира Доновоева тумандаги 8-умумтаълим мактабига тўғра раҳбарни вазифасида иш бошлади.

Аёлчи ва жамоатчи коллеж битирувчилари Зарнигор Жиянбоева 14-, Раъно Жўраева 8-, Моҳиунор Усмонова 22-умумтаълим мактабига ишга жойлашди. Уларга ҳам касаба уюшма маблағи ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёшларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланиши ҳамда доимий иш ўрнига эга бўлишига кўмаклашиш касаба уюшмаларининг эътиборида. Шунингдек, «Устоз-шогирд» тизимининг шаклланиб бораётгани ҳам ўз самарасини берапти.

**Отаниёз МУСТАФОВЕВ, Арноса уюшма таълим, фан ва маданий ҳодимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси**

## ■ Конференция

# Муносиб ҳимоя

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига ректорат ҳамда касаба уюшма кўмитаси ўртасида жамоа шартномасининг 2011 йилдаги ижроси ҳамда 2012-2014 йиллар учун жамоа шартномасини имзолашга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Университет бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўз атрофида 8258 нафар аъзони бирлаштирди. Улардан 1131 нафари профессор-ўқитувчи ҳамда ишчи-хизматчилар бўлса, 7137 нафари талабалардир. Жамоа шартномаси асосида аъзоларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, муносиб иш ва дам олиш шартини яратиб, саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, иш берувчи томонидан ўтган йили университет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 228 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу эса меҳнат шартини яратиб ва меҳнатни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Университетда 2 нафар чин етим талаба тахсил олади. Уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашда жамоа шартномасининг ўрни алоҳида бўлмоқда. Шартнома талаблари асосида бултур уларга 255 минг сўмлик кийим-кечак олиб берилди, 450 минг сўмлик йўлқира

пуллари тўланди, бошқа харажатлари учун 167 минг сўм ажратилди. Университетни бакалаврият йўналиши бўйича тамомлаган Айнура Кетёбоевага ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун 5 млн. 221 минг сўм маблағ ажратилди.

Ҳисобот даврида меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик нафақаси учун 6 миллион 757 минг сўм маблағ сарфланди. Барча ҳодимларнинг умумий маоши ўртача 448,9 минг сўмдан тўри келди. Маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари уюштириш учун ректорат томонидан 26 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланди. Иил давомида ишчи-хизматчилар 4 марта рағбатлантирилиб, бунинг учун 101 миллион сўм ажратилди. Қолаверса, 303 нафар ҳодимга 11 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, талабалар ҳам иш берувчи эътиборидан четда қолгани йўқ. Иил давомида 12 нафар талаба моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Ишчи-хизматчиларнинг 10 нафар фарзанди оромгоҳларда иш берувчи ҳисобидан бепул

дам олдирилди. Университет касаба уюшма кўмитаси раиси З. Есенбоев касаба уюшма томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталаркан, бир қатор далил ва рақамларни келтириб ўтди. Ҳисобот даврида 87 нафар ҳодимга 1 миллион 595 минг сўм, 56 талабага 3 миллион 723 минг сўм микдорига моддий ёрдам кўрсатилган. 34 нафар ҳодим, 17 талаба рағбатлантирилиб бу мақсад учун салкам уч миллион сўм маблағ сарфланган. Иил давомида уюштирилган маънавий-маърифий тадбирларга 25 миллион сўмга ақин, спорт тадбирлари уюштиришга 12 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

Университет ректори А. Матчонов ишчи-хизматчилар ва талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича 2012-2014 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномаси билан анжуман қатнашчиларини таништирар экан, ҳодимлар ва талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатларини муносиб рағбатлантириш, иш ва ўқиб шартинларини яхшилашда касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб ўтди.

Конференцияда яна бир қатор масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. **Муҳаббат ТўРАБОВЕВА, «Ishonch» мухбири**

ФХДЁ органларида



Оила ҳовучидаги бахт

Наманган вилоят Чуст туман ФХДЁ бўлими мудираси Нодира Жалолова билан фуқаролик ҳолатлари далолатномалари қайд этишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида суҳбатлашдик.

онани ким эканлигини тасдиқловчи ягона ҳужжатдир. Ниҳоқ қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома эса никоҳдан ўтган шахсларнинг эр-хотинлигини тасдиқловчи, улар ўртасида ўзаро ҳуқуқ-мажбуриятларнинг вужудга келганлигини ифодалайди.

она сифатида расмийлаштиришга мажбур бўламиз. Керакли ҳужжатлар тўпланиб бўлинганча, отаси «аниқланади». Турилганлики қайд этишда боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома, ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва никоҳ гувоҳнома талаб этилади. Бу вақтда боланинг ота-онани никоҳда бўлмас, оталики белгилаш ота ва онанинг ФХДЁ органига биргаликда берган аризаси асосида амалга оширилади.

дабдабавозликдан бир мунча кўтулдик. Тўй арафасида бўладиган турли удумларнинг камҳаражат ўтказилишига, ўйлаб топилган айрим «аньян»ларнинг йўқотилишига эришдик.

— Маълумки, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари, ФХДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома ва бошқа Қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади, — дейди Н.Жалолова. — Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эса фуқароларнинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоялашни ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар ҳаётидаги муҳим воқеалар — туғилиш, никоҳ тузиш, ўлим ва инсоннинг муҳим субъектив ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларининг юзга келиши, ўзгариши ва тўхташига сабаб бўладиган бошқа ҳолатларнинг ваколатли органларда қайд этилишини белгилайди.

— Оила қонунчилигига риоя қилишнинг бугунги аҳволи қай даражада? Баъзан одамлар орасида никоҳдан ажралмаган ҳолда шаръий никоҳ тузиб бошқаси билан яшаш ҳолатлари учраб туради. Фарзанд ҳам туғилади... Ва гўё никоҳ қайд этилмаганлиги «эста тушади»...

— Баъзан исм-шарифини имло қоидаларига риоя қилмасдан ёзиш ҳолатлари учраб туради. Натижада Солиқовлар Солиқовга, Холтоевлар Халтаевга айлиниб, мазмунда ҳам кўпол бузилишлар юзга келади. Бундай камчиликларни бартараф этиш борадаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Фамилия, исм ва ота исмини ўзгариш ҳақидаги аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлган, турар жойидаги ФХДЁ органи томонидан қўриб чиқилади. Агар 16 ёшга тўлган шахс паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат олгунча қадар фамилияси, исми, ота исмини ўзгариши ҳақида ариза берса, унда аризага турилганлик ҳақида гувоҳнома ва туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви нусхаси илова қилинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг аҳамияти шундаки, унга асосан ФХДЁ органи томонидан берилган гувоҳнома унда кўрсатилган фактнинг тўғрилигини тасдиқловчи далил ҳисобланади. Жумладан, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома боланинг шахси ва унинг ота-

— Афсуски, оила қонунчилигига амал қилмаслик ҳолатидан ҳам кўз юмолмаймиз. Бунинг олдини олиш учун маҳалла фуқаролар йиғини билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйганмиз.

— Никоҳни қайд этиш мазмунли ўтказиш учун қандай ишлар амалга оширилади?

— «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 15-моддасида исм, ота исми ва фамилияни миллий тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, фамилия, исм ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса, миллияга тўри келмас, никоҳдан кейин фамилия ўзгарса, ёхуд ФХДЁ органи томонидан узрли деб топилган

Реклама ва эълонлар

Филиалда риэлторлик фаолияти

Мулкдорларнинг ўрта синфи шаклланиб, ички бозор рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлмоқда. Шунга яраша янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли фаровонлиги ошмоқда. Бунинг муҳим омилли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитнинг яратилганлигидир.

Республикамиз аҳолиси ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган кўчмас мулк ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини расмийлаштириш хизматларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 2011 йил 23 июнда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти ва унинг худудлардаги филиаллари ташкил этилган бўлиб, қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. 2011 йил 23 июнда тулик кучга кирган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда: «Риэлторлик фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир» деб белгиланган. Шунга асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг асосий вазифаси кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик, кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатишдан иборат. Мазкур хизматларни кўрсатишда МЧЖ

ва унинг худудий филиаллари ўтказиладиган савдонинг турига қараб амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур ҳолларда савдонинг ўтказиш тўғрисидаги ва унинг яқунлари ҳақидаги хабарномаларни тайёрлайди ҳамда эълон қилади, савдога қўйилаётган кўчмас мулк объектларини реклама қилади, савдода иштирок этиш учун буюртмаларни қабул қилади ва ҳисобга олади, закалат тўғрисида келишувлар тузади, савдонинг ўтказиши. Ўтказилган савдо яқунларига доир баённомани расмийлаштирилади, сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб учун шарт-шароитлар яратади. МЧЖнинг Тошкент вилояти филиали ҳам ҳозирги кунда буюртмачиларга сифатли риэлторлик хизматларини кўрсатмоқда. Утган вақт мобайнида филиал томонидан буюртмачилар билан тузилган риэлторлик хизматларини кўрсатиш юзасида ташкилланган тўғридан-тўғри музокаралик йўли билан ўтказилган савдолар орқали 91 та объект 1 262 218 000 сўмга сотилди. Шундан 50 таси жисмоний шахсларга тегишли бўлиб, сотилиш қиймати 736 080 000 сўмини ташкил этади. 41 таси юридик шахсларга тегишли бўлиб,

сотилиш қиймати 526 138 000 сўмга тенг. Тўғридан тўғри музокаралик ўтказиш йўли билан савдоларни ташкиллаштиришда кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг эгаларига потенциал харидорларни топиш ва улар билан олди-сотди шартлари тўғрисида ўзаро музокара олиб бординлар ва битимлар туздилар. — Буюртмачининг танловига кўра, кўчмас мулк объектлари ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларнинг аукцион, танлов (тендер), оммавий оферта, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа савдо турлари ташкил этилиши ва ўтказилиши мумкин, — дейди филиал раҳбари Анвархўжа Юсуфхўжаев. — Аукцион ва танлов савдолари очик ва ёпиқ шаклда ўтказилади. Аукцион савдоларида қўйидаги шартлар белгиланади: мусобақалашши асосида харидорнинг танлаш шакли, бунда кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар учун энг юқори нархни тақлиф қилган қатнашчи кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Очик аукционда кўчмас мулкни сотиб олиш тўғрисидаги нияти ҳақида ариза берган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ аукционда сотувчи томонидан белгиланган мезонлар бўйича олдиндан танланган юридик ва жисмоний шахслар махсус тақлифномалар билан қатнашади. Танловда танлов ҳужжатлари мезонлари ва

шартларига мувофиқ қатнашчилар томонидан тақдим этилган энг яхши тақлифларни танлаш орқали харидор аниқланади. Очик танловда танловнинг кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларини сотиб олиш ва танлов шартларини бажариш нияти тўғрисида буюртманомга берган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ танловда танловнинг махсус тақлифномалари бўйича сотувчи томонидан белгиланган мезонлар асосида олдиндан танланган юридик ва жисмоний шахслар қатнашади. Оммавий оферта — савдо ўтказилиши тўғрисида олдиндан оммавий ахборот воситаларида хабарнома чоп этилиб, кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга хабарнома кўрсатиб ўтилган бошлангич нархдан қатъи назар энг юқори нарх тақлиф этган талабгор билан олди-сотди тўғрисида шартнома тузиш орқали ўтказиладиган савдо туридир. Ҳозирда фаолият юритаётган «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент вилояти филиали томонидан буюртмачиларга сифатли риэлторлик хизмат кўрсатилмоқда ва ички қоидалар асосида назорат қилинмоқда. Филиал ходимлари буюртмачиларга риэлторлик хизматларини кўрсатишда барча ахборотларнинг махфийлигини таъминлаб, уларнинг манфаатларини ифода этмоқдалар. «KMSX» МЧЖ Тошкент вилояти филиали матбуот хизмати

Ҳаёт ва қонун

Мамлакатимиз Солиқ кодексидида жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари ва даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби белгиланган бўлиб, шу асосда фуқароларнинг асосий бўлмаган иш жойи ва бошқа манбалардан 2011 йил давомида олган даромадларини декларациялаш жараёни давом этмоқда.

Даромадларни декларациялаш

Тошкент шаҳрининг барча туман давлат солиқ инспекцияларида шахримиз фуқароларидан декларация қабул қилиб олиш бўйича махсус хоналар ташкил этилган. Хоналар керакли йўриқ-номалар, кўрсатма ва декларация қабул қилиб олишга доир бошқа воситалар билан таъминланди. Солиқ тўловчиларга декларация тақдим этишда қулайликлар яратишда «Солиқ декларацияларини қайта ишлаш» компютер дастуридан бир неча йилдан бери самарали фойдаланиб келинмоқда. Натижада, фуқароларнинг вақтлари тежалмоқда. Бундан ташқари, декларацияни тақдим этишларнинг транспорт ва бошқа масалалар билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларини камайтириш мақсадида, декларацияларни Интернет тармоғи орқали электрон шаклда қабул қилиб олиш интерактив хизмати жорий этилган. Бир сўз билан айтганда, қонун доирасида тўловчи лозим бўлган тўловларни фуқароларимиз ўз вақтида амалга ошира олишлари учун барча қулайликлар мавжуд.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизими йил давомида олинган даромадга солиқнинг тўғри ҳисобланишини, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ҳамда даромад солиғига бериладиган имтиёزلарнинг тўғри қўлланилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Улуғбек МУСУРМОҶОВ, Тошкент шаҳар ДСИ бўлим бошлиғи

Муаллифлик ҳуқуқига зиён етмасин

Солиқ идоралари бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда республикамиз худудида лазерли дискларни сотиш, кўпайтириш, тарқатиш ва ижарага бериш билан ноқонуний шугулланаётган фуқароларни аниқлаб, улар фаолиятига чек қўйиб келмоқда.

Бу борада Грампластикалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом асосий ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Мазкур фаолият билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхати умумлаштирилган ҳолда бозорлар ва савдо комплекслари, бекатлар ва бошқа савдо нуқталари кесимида таҳлил қилиниб, лицензиясиз иш юритаётган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриломоқда. Ўтказилган рейд тадбирларида олиб қўйилган CD, DVD дисклар, аудиовизуал асарлар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика агентлиги томонидан берилган эксперт ҳулосаларига кўра контрафакт маҳсулот сифатида йўқ қилинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида Шайхонтоҳур туман ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган 3 та рейд тадбирлари натижасида 3 ҳолатда ноқонуний савдо фаолияти билан боғлиқ қонунбузарлик аниқланиб, умумий қиймати 1 млн. 712 минг сўмлик лазерли дисклар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Мисол учун, Махтумқули кўчасидаги дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширувда фуқаро И.Х. ҳеч қандай ҳужжатсиз 187 дон 920 минг сўмлик DVD дискларни сотаётган пайтда фаолияти тўхтади. Қонунчилик нормаларида бундай товарларни назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаган ҳолда, турғун савдо шохобчалари орқали, белгиланган тартибдаги рўхсат гувоҳномалари мавжуд бўлмагандаги сотишга йўл қўйилади. Бу, ўз навбатида, муаллиф ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш имконини беради.

Алишер СУВАНҚУЛОВ, Шайхонтоҳур туман ДСИ шўъба бошлиғи

Асални минг дардга даво дейишади. Дарҳақиқат, унинг шифобахшлик хусусиятлари беҳисоб. Табиатнинг ана шу нобънати ҳам замонанинг заили билан сунъий усулда тайёрлана бошлаганидан кўнчилигини хабари бор. Аммо ҳозир биз тўхталмоқчи бўлган мавзу бу эмас.

Сунъий асал — келтирар касал

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Юнусобод туман бўлими ходимлари томонидан холислар иштирокда Носирова кўчаси 65-уйда ўтказилган текширувда Ф.Низомовдан ҳар бирининг сизими 300 гр. бўлган ҳам 295 банча сунъий асал, сунъий асал таёрлашда фойдаланиладиган идишлар, 100 дон 65 банча, ушбу банчалар учун қоқпоқлар, этикеткалар ва бошқа нарсалар олиб қўйилди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли тартибда судга оширилди. Судланувчи Ф.Низомов ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, жумладан шундай дейди: — Интернетдан сунъий асал ишлаб чиқариш рецептини олган эдим. Вақтинчалик ишсиз бўлиб қолганимдан кейин 2011 йил 3 мартдан бошлаб сунъий асал ишлаб чиқариш учун цех ташкил қилдим. Махсулот ишлаб чиқариш учун керак бўладиган нарсаларни «Эски жува» бозоридан номаълум шахслардан сотиб олган эдим. Ишлаб чиқарган махсулотни бозорда ўзим, танишларим орқали сотар эдим. Ҳўш, яширдин цехда ноқонуний ишлаб чиқарилган ушбу махсулот истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига қай даражада жавоб берган? Суд-қимёвий экспертизанинг ҳулосасига кўра, Ф.Низомовнинг яширдин цехидан олинган «қўббола» сунъий асал таркибидида углевод, ёғли кислота бўлиб, ушбу модда инсон организмни учун зарарли эканлиги аниқланди. Юнусобод туман ДСЭНМ ҳулосасида ҳам Ф.Низомов томонидан ноқонуний равишда, санитария ва гигиена талабларига риоя қилинмаган шароитда тайёрланган сунъий асал махсулотни аҳоли саломатлигига хавф тўғрисидаги таҳлилни кўрсатилган. Ноқонуний даромад топиш мақсадида ҳамшаҳарларимиз соғлиғига қий силтаган «асалчи» Ф.Низомов жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукми билан тегишли жазосини олди.

У.НАЗАРОВ, СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Юнусобод туман бўлими катта инспектори

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлари босқичма-босқич охиш бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Ҳуқуқдорларнинг ўрта синфи шаклланиб, ички бозор рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлмоқда. Шунга яраша янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли фаровонлиги ошмоқда. Бунинг муҳим омилли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитнинг яратилганлигидир.

«Andijon mulk markazi» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиш бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Суд департаменти Андижон вилоят худудий бошқармасига тегишли, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2010 йил 18 ноябрда 2011 йил 29 мартдаги 20-02-709/2-сонли, Суд департаменти Андижон вилоят худудий бошқармасининг 2012 йил 25 мартдаги 17-01-1428/1-2-сонли хатларига асосан Суд департаменти Андижон вилоят худудий бошқармаси балансидаги Андижон шаҳар, Бобур шўх кўчаси, 26-уйда сақланаётган «Дамас» русумли, д/р 17 АВ 507 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 6 235 401 сўм.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиш бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Наманган вилоят давлат мулки бошқармаси билан ҳамкорликда Чуст тумани ҳокимлиги балансидаги Чуст тумани, Гога ҚФЙ худудида жойлашган умумий ер майдони 483,65 кв. метр, бино-ишоотлар қурилиш ости майдони 483,65 кв. метрдан иборат «Клуб» биноси такроран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 29 900 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 2 май кунини соат 11:00 да Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават «KMSX» МЧЖнинг Наманган вилоят филиалида бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидидаги талабгорлар савдо ташкилотчисига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: - кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза; - харидорнинг ҳуқуқий ҳужжатларидан 2 донга нусха; - савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотекбаҳо» Наманган бўлимидаги МФО: 00223, СТИР: 207122519, 20208000104920609015 ҳисоб рақамига мулкнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси. Аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача «KMSX» МЧЖ Наманган вилоят филиалида қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddati: 2012 йил 30 апрел кунини соат 18:00. Юқоридиги мулк 2012 йил 2 майдаги аукцион савдосида сотилимаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 20 ва 24 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddati: 2012 йил 20 апрелдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 18 апрел, 2012 йил 24 апрелдаги савдолар учун 2012 йил 20 апрел кунлари соат 18:00. Савдо голиби деб топилган шахсга 5 иш кунини ичюнда сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Юқоридиги автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчисига билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Andijon mulk markazi» МЧЖнинг «Савдогарбанк» ОАТБдаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304941156002, МФО: 00081, СТИР: 302126734. Манзил: Андижон шаҳар, Навоий шўх кўчаси, 30-уй. Расмий сайтими: www.rmm.uz. Телефон: (8-374) 224-48-53. Гувоҳнома: 00658.

Юнусобод тумани техник ашёлаш бюроси (УЖИЧН томонидан 1999 йил Жуланов Шокир Шодмонович номига берилган реестр рақами 54 бўлган ҳужжат йўқотганини сабабли бекор қилинади.

